O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 20 сентябрь ЧОРШАНБА

№ 76 (11.879)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

Пахта — 2006

ЧАНОҚЛАР ЧЎҒИ БАЛАНД

Бу мавсум бўкалик фермерларнинг шашти, айниқса, баланд. Улар етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиб, пешма-пеш қабул пунктларига юбормоқдалар.

Мардон Тоиров бошчилик қилаётган фермер хўжалиги пахтакорлари ёз бўйи қилган меҳнатлари самарасидан хурсандлар. Хўжалик аъзолари туманда биринчилардан бўлиб шартнома режасини ошиғи билан бажаришга эришдилар. Улар 13,5 гектар майдонда етиштирилган мўл ҳосил эвазига ҳали биринчи терим тугалланмасданоқ маррага етганликлари ҳақида хабар бердилар. Улар мавсум сўнгигача ҳосилдорликни 35 центнерга етказиб, давлатга қарийб 50 тонна «оқ олтин» топшириш ҳаракатидалар.

Нурали Ортиқов бошчилигидаги фермер хўжалиги деҳқонлари ҳам мавсумнинг дастлабки кунларидаёқ маррани эгалладилар. Пахтакорлар биринчи теримнинг ўзида 28 центнердан ҳосил кўтардилар.

«Мурувват» фермер хўжалиги аъзолари шартномага мувофиқ 15,5 тонна пахта етказиб бердилар. Заминдорлар қолган ҳосилни ҳам тезроқ йиғиштириб олиш мақсадида теримни авж олдирмоқдалар.

Дастлабки таҳлилларга қараганда, фермерлар далаларида ҳосилдорлик ўтган йилдагига нисбатан баракали бўлди. Қарийб 80 фоиз майдонда ҳосилдорлик 28-30 центнерга тўғри келмоқда. Хом ашё ўз вақтида, тоза йиғиштириб олинаётгани боис биринчи навларга қабул қилинмоқда.

Темур ХАЙДАРОВ.

СУРАТДА: *бўкалик фермер Мардон Тоиров ҳосил чамаламоқда.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ҲОСИЛ БАРАКАСИ — ҲАРАКАТДАН

Вилоятимиз пахтазорларида йиғим-терим қизғин давом этаётган айни паллаларда шартномавий режани бирин-кетин бажараётган фермер хўжаликларидан хушхабарлар келишда давом этмоқда.

Эътиборли жиҳати, давлат эҳтиёжлари учун пахта тайёрлаш буюртмасини биринчи теримнинг ўзидаёқ уддалаётган фермерлар етиштирган хом ашё фақат юқори навларга қабул қилинаётир.

Оққўрғон туманидаги «Бурхон» фермер хўжалиги аъзолари ҳам шу кунгача 23 гектар майдондаги пахтадан 31 центнердан ошириб ҳосил кўтардилар. Бу контрактация шартномасида белгиланганидан 5 центнер юқори демакдир.

— Қабул пунктларига 70 тоннадан ошиқ хом ашё етказиб берилди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Бурхон Қурбонов. — Бугун-эрта навбатдаги теримни бошлаймиз. Ҳали ҳосилимиз бор. Гектар бошига қарийб 40 центнердан ҳосил олишни кўзлаяпмиз.

Дарҳақиқат, эришилаётган муваффақиятлар замирида фермер хўжалиги аъзоларининг йилўн икки ойлик меҳнати, тажриба ва омилкорлиги ётибди. Шунингдек, хўжалик тасарруфидаги 3 та трактор ва 10 га яқин агротехник ускуналар деҳқонларга чинакам мададкор бўлди.

Фермернинг таъкидлашича, кутилаётган даромад салмоғи ҳам чакки бўлмайди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, хўжалик тармоқнинг ўзидан 20 миллиондан зиёд соф фойда кўради.

Гайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.

СУРАТДА: *фермер Бурхон Қурбонов ҳосил баракасидан мамнун.*

Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.

Муносабат

МОҲИЯТИ ЎЗГАЧА

Эрта тонгдан Бўстонлиқнинг, айтайлик, Сижжак, Нанай, Боғистон қишлоқларида қари-қартанг отахон ва онахонлар яшаётган хонадонларда ўзгача бир жонланиш пайдо бўлди. Ҳаракатчан ижтимоий ёрдам гуруҳи аъзолари, «Мурувват» автобуси ходимлари якка-ёлғиз яшаётган кексаларга бир четдан тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни бошлашди. Уй-жойлар бир сидра тартибга солиниб, таъмирланди. Тиббий ходимлар хонадон соҳибларини кўрикдан ўтказишиб, керакли ёрдам кўрсатишди, дори-дармон қолдиришди. Рўзғор учун озиқ-овқатлар ажратилди, бир сидра кийим-бош тарқатилди...

Яқин фурсатда вилоятимизнинг олис, чекка қишлоқларида яшовчи якка-ёлғиз уруш ва меҳнат фахрийларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишдан иборат мана шундай тажриба-синов тадбири бошланади. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007-2010 йилларда якка-ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорига биноан рўёбга чиқарилади.

Мамлакатимизда бундай дастурларни амалга ошириш тажрибаси илгари ҳам бўлган. Чунончи, Вазирлар Маҳкамаси 1999 йилнинг декабрида тасдиқлаган шу сингари дастур 2000-2005 йиллар мобайнида амалга оширилди. Шу асосда фақат шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида кексалар ва кам таъминланган оилаларга вилоят бўйича бир неча ўн миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Энг муҳими, жамиятимизда бу тоифадаги одамларга эътибор кучайди, давлат, хўжалик ва жамоат ташкилотлари ҳамкорликда ҳаракат қилиш тажрибасини орттиришди.

Лекин Президентимиз қарорлари билан тасдиқланган янги дастурнинг кўлами ҳам, моҳияту мақсади ҳам мутлақо бошқача. Унинг асосий мақсади якка-ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга манзилли ёрдам кўрсатилишини кескин яхшилаш, уларнинг ижтимоий таъминотга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш йўли билан уларнинг турмуш даражасини оширишдан иборатдир.

Тўрт йилни қамраб олувчи янги дастур уч йўналишда амалга оширилади. Асосий эътибор ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини кучайтиришга қаратилади. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар туманларда реабилитациянинг техник воситаларини ижарага бериш пунктларини ташкил этиш, уйда ижтимоий хизмат кўрсатиш учун пулли ижтимоий иш ўринлари очиш, қийналувчи кексаларнинг ҳаракатланиши учун, айтайлик, Тошкентда бепул имтиёзли транспорт хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш сингари чора-тадбирларни қамраб олади.

Дастурнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у якка-ёлғиз қариялар учун кичик-кичик пансионатлар, уйлар очиш, «уй санаторийси» хизматини йўлга қўйишни ҳам кўзда тутади. Жумладан, Оҳангарондаги «Саховат» уйининг фаолиятига эътибор яна ҳам кучайтирилади.

Бемор кексаларни даволаш, геронтологик хизматни кучайтириш дастурнинг иккинчи муҳим йўналишидир. Шунга асосан якка-ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронлар тўла диспансерланади. Уларни шифохоналарда, қатнаб даволаниш жойлари ва уйларида даволаш мақсадли, режали равишда амалга оширилади. Бепул дори-дармон таъминоти, ҳеч шубҳасиз, дастурнинг асосий мақсадидир. Айни пайтда бу тоифа аҳолини курорт ва санаторийларда соғломлаштиришга ҳам эътибор кескин ошади. Протезлаш, кўзойнаклар, эшитиш воситалари таъминотида ўзгаришлар юз беради.

Дастурнинг яна бир муҳим йўналиши аҳолининг шу қатлами уй-жой шароитларини яхшилашга қаратилган. Якка-ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уй-жойлари, маиший хизмат хоналарини таъмирлаб бериш, интернат-уйлар, пансионатларни тамомила янгидан таъмирлаб, уларни асбоб-анжомлар, реабилитация ускуналари билан жиҳозлаш режалаштириляпти.

Вилоятимизда Дастурга мувофиқ, амалга оширилиадиган чора-тадбирлар кўплаб якка-ёлғиз қария, пенсионер ва ногиронни қамраб олиб, уларнинг турмуш даражаларини яхшилашга хизмат қилади. Бу мақсадлар учун бюджетдан етарли маблағ ажратилиши кутилмоқда. Дастурга биноан амалга ошириладиган тадбирлар учун, албатта, корхона ва муассасалар, ҳомийлар ҳам ўз маблағларини аямайдилар.

Жўрабек МУРОДОВ.

БИРИНЧИ КАНАЛ ТОШКЕНТДА

Тошкентда ўтказилаётган "InfoComExpo 2006" халқаро телекоммуникациялар кўргазмасида Россия TVсининг Биринчи канали вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Кўргазма доирасида Биринчи канал делегацияси мамлакатимизда мазкур канал маҳсулотини қонуний тарзда янада фаоллаштириш учун ўзбек телебозори операторлари билан ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришни режалаштирган. Бундан ташқари, ташриф давомида делегация вакиллари Ўзбекистоннинг телерадиоэшиттиришлар ва алоқа соҳасидаги қонунчилик ва ижроия идораларининг олий мақомдаги вакиллари билан учрашади.

– Бугунги кунда Марказий Осиёнинг телекоммуникация бозори жадал ривожланмоқда, – деди Биринчи канал халқаро кўрсатувлар дирекцияси директори Алексей Ефимов. – Бу эса ҳақли равишда йирик телекомпанияларнинг қизиқишини орттирмоқда. Жаҳон бўйича рус тилида кўрсатувлар узатиш борасида пешқадамлик қилувчи Биринчи канал учун мазкур минтақа билан ҳамкорлик қилиш анъанавий тарзда устивор йўналишлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистондаги ўн миллионлаб русийзабон телетомошабинлар учун ўз она тилларида юқори сифатли дастурий маҳсулотларни етказиб бериш ниҳоятда муҳимдир. "InfoComExpo 2006" кўргазмасида иштирок этишимиз Ўзбекистонда Биринчи канални ёритишга туртки беради деб ишонаман, – деди у.

«Туркистон-пресс».

Долзарб мавзу

ПАХТАНГИЗНИ ҚАЙСИ НАВГА СОТАЯПСИЗ?

Бу савол замирида муҳим иқтисодий масала яширин. Зеро, катта меҳнат эвазига етиштирган пахтасини бироз шошилиб, хом-хатала ёки ортиқча ифлослантириб терилишига йўл қўйган деҳқон даромаднинг анчагина қисмини бой беради

Бу йил вилоят ширкат ва фермер хўжаликлари 108 минг гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирди. Энг муҳими эса, мутахассислар бу мавсумда пахта ҳар йилгидан бир ҳафта-ўн кун барвақт пишиб етилганлигини таъкидламоқдалар. Демак, айтиш мумкинки, пахта етиштирувчи хўжаликлар билан уни қайта ишловчи корхоналар ўртасида давлат эҳтиёжлари учун 275 минг тонна хом ашё тайёрлаш юзасидан тузилган контрактация шартномаларини муваффақиятли бажариш учун ҳамма имкониятлар бор. Бунга эришиш учун эса, йиғим-терим ишларини ҳар томонлама оқилона ташкил этиш ва уюшқоқлик ҳамда оммавий сафарбарликни таъминлаш лозим.

Айни кунларда вилоятнинг, беистисно, барча ширкат ва фермер хўжаликлари пахтазорларида терим суръати авж паллага кирмоқда. Мавжуд барча терим машиналари, пахтакор оилалар, маҳаллий аҳоли, кўнгилли ҳашарчилар унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Шу боис терим суръати кун сайин жадаллашиб бормоқда. Аммо, куз ҳавоси беқарор. Вилоятнинг айрим туманларида бўлиб ўтган ёғингарчилик ҳам буни амалда тасдиқлайди, яъни терим суръати бир-икки кун кўнгилдагидек бўлмади. Шуни ҳисобга олган қатор илғор ширкат ва фермер хўжаликлари 20 сентябрдан 10 октябргача зарб-дор йигирма кунлик эълон қилиш ташаббуси билан чиқди. Бу муҳим таклиф бутун вилоятда қизғин маъқулланди ва қўллаб-қувватланди. Натижада терим суръати кун сайин юксалиб бораётгани кузатилмоқда.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, суръатни ошириш билан бир вақтда кундалик терилаётган хом ашёнинг сифати ва тозалигига ҳам жиддий эътибор бериш зарур. Зеро, бу ўринда гап эрта кўкламдан буён тер тўкиб келаётган деҳқонлар меҳнатининг қадри, яъни пировард даромад ҳақида бормоқда. Негаки, пахтани қайта ишлаш корхоналари қабул пунктларига келтирилаётган хом ашёни пишган-хомлиги ва ифослик даражасига қараб нав ва синфларга ажратади ва шу фарқлардан келиб чиққан ҳолда ҳақ тўлайди. Бинобарин, терим мавсумида эътиборсизликка йўл қўйиб, хомроқ ва ифлосроқ пахта топширган ширкат ва фермер хўжаликлари даромаддан анча ютқазадилар. Чунки, қайта ишлаш корхонасидаги мутахассислар келтирилган хом ашёни тартиб-қоидага асосан сифатига қараб 5 та саноат нави бўйича қабул қиладилар. Бу навларнинг дастлабки тўрттаси бўйича қабул қилинган хом ашё яна учта синфга ажратилади. Ана шу нав ва синфларга киритилган пахтанинг харид нархлари бир-биридан кескин фарқ қилади.

(Давоми 2-бетда).

ЯНА БИТТА АКВАБОҒ

Чирчиқ шаҳрида замонавий кўринишга эга бўлган янги аквабоғ қурилади. Шу муносабат билан бетакрор аквабоғнинг рамзий тошини қўйишга бағишланган маросим ўтказилди.

Илғор меъморий ечимлар асосида барпо этиладиган ушбу сўлим гўшада ташрифчиларнинг мароқли ва мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча замонавий шарт-шароит ва қулайликлар яратилади. Мазкур лойиҳа ижросида хорижлик ҳамкорлар ҳам фаол иштирок этишмоқда. Вилоятимизда барпо этиладиган аквабоғ республикамиздаги энг йирик истироҳат боғларидан бири бўлади. Ушбу лойиҳа асосида, ҳозирда дам олувчилар кам ташриф буюраётган Чирчиқ шаҳри паркини файзли масканлардан бирига айлантириш кўзда тутилган. Янги боғда сунъий кўл ва турли хилдаги мосламалар билан жиҳозланадиган ўн бешта чўмилиш ҳавзасини барпо этилиши дам олувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришларига хизмат қилади. Истироҳат боғига бир неча кун дам олишга келувчилар учун эса меҳмонхона мажмуаси, савдо тармоқлари ҳамда автомобиллар тўхташ жойи қурилади.

Замонавий дам олиш масканининг рамзий тамал тошини қўйишга бағишланган тадбирда таъкидланганидек, ушбу лойиҳа учун хорижлик сармоядорлар томонидан саккиз миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилади. Мазкур паркни келгуси йилнинг май ойида ишга туширишни режалаштирилган.

«Туркистон-пресс».

Мамлакатимиз корхоналарида халқаро сифат менежменти тизимини жорий этишга оид ишлар қизғин давом этмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлдаги "Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир.

МАҲСУЛОТ СИФАТИ ЮКСАЛМОҚДА

"Электркимёсаноат" очиқ акциядорлик жамияти халқаро ISO 9001: 2000 сифат менежменти тизимини жорий этиш орқали ўз мавқеини ташқи ва ички бозорда мустаҳкамлаб, маҳсулотлари харидоргирлигини таъминламоқда.

– Корхонамизда 2003 йили сифатни бошқариш тизимини босқичма-босқич ишлаб чиқиш ва сертификатлашга киришилган эди – дейди "Электркимёсаноат" ОАЖ бош муҳандиси Фарҳод Салаватов. – Ниҳоят, жорий йил карбамид, аммиак селитраси, суюлтирилган аммиак ва кучсиз азот кислотаси каби маҳсулотларимизга халқаро сертификат берилди. Бу корхонамизнинг юқори сифатли экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш, ташқи истеъмолчиларни кўпайтириш ва хориж сармоясини кенг жалб қилиш борасидаги имкониятларини янада кенгайтирди.

2005 йили корхона томонидан 96,1 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган эди. Жорий йилнинг ўтган саккиз ойида бу рақам 81,1 миллиард сўмга етди.

Асосан Осиё мамлакатларига экспорт қилиб келаётган "Электркимёсаноат" жамоаси сифатни бошқариш тизими жорий этилгач, ўз маҳсулотларини Европа давлатларига ҳам жўната бошлади. Бу корхонанинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш билан бирга, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада ошириш, иқтисодиётимизни юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Акмал НАЗАРОВ, ЎзА мухбири.

ОЗОН ҚАТЛАМИ МУҲОФАЗАСИ

Глобал экология фонди (ГЭФ) томонидан Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистонда Монреаль баённомаси мажбуриятларини амалга ошириш учун 2 миллион доллар миқдорида маблағ ажратилди. Бу ҳақда Тошкентда ўтказилган "Ернинг озон қатламини муҳофаза қилиш" халқаро кунига бағишланган давра суҳбатида маълум қилинди.

Тадбирда БМТ Бош котибининг "Озон қатламини муҳофаза қилиш" халқаро кунига бағишланган мурожаатномаси ўқиб эшиттирилди. Мазкур ҳужжатда, Бутун жаҳон метерология ташкилотининг илмий хулосаларига кўра, ернинг ҳимоя қобиғини емирувчи моддалар атмосферанинг қуйи қатлами таркибида қисқарганги таъкидланади. Кофи Аннан барчани озон қатламини яхлит сақлаб қолиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга чақиради.

Шунингдек, давра суҳбатида табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси билан БМТнинг "UNEP" атроф-муҳит дастури билан ҳамкорликда нашр қилинган "Озон қатлами" тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди.

ШИФОКОРЛАР УЧУН ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида "Аҳоли саломатлигини шакллантириш – оилавий поликлиника фаолиятининг асосий йўналишлари" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Икки кун давом этган анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят, шаҳар ва туман марказий оилавий поликлиникалари, тиббиёт билим даргоҳларининг профессор-ўқитувчи ва шифокорлари иштирок этди.

Анжуманда оилавий тиббиёт концепцияси ва уни мамлакатда амалга ошириш йўналишлари, оилавий шифокор фаолиятида болалар саломатлигини шакллантириш, соғлом оилани шакллантиришда оилавий шифокорнинг ўрни ҳамда хавфсиз эмлаш ва юқумли касалликлар профилактикаси мавзуларидаги маърузалар тингланди.

Рустам ҲАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс».

Пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" марказида 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан катта хайрия концерти бўлиб ўтди.

РАҲМАТ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Спешл Олимпикс" ташкилоти ҳамкорлигида "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида ташкил этилган тадбирга пойтахтимиз ҳамда Тошкент вилоятининг махсус мактаб-интернатлари, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари, ўқитувчилари, тарбиячилари, мураббийлари ва шифокорлари таклиф этилди.

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги ишлар давлатимиз раҳбари Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан экани алоҳида таъкидланди. Фарзандларимизни она-Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, қадимий ва бой тарихимизга ҳурмат, фидойилик руҳида тарбиялашда устоз ва мураббийларнинг ўрни каттадир.

Изчиллик билан амалга оширилаётган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ана шундай эзгу мақсадларга йўналтирилган. Ўқитувчиликдек шарафли ва масъулиятли касб юртимизда янада қадр ва эъзоз топмоқда. Педагоглар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.



Долзарб мавзу

ПАХТАНГИЗНИ ҚАЙСИ НАВГА СОТАЯПСИЗ?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бу йилги пахта хом ашёси харид нархларини Президентнинг 2006 йил 31 январдаги ПҚ-271-сонли ҳамда 14 августдаги ПҚ-444-сонли қарорлари асосида тасдиқлади. Ушбу нархномада «O'z DST 615-1994» стандартида белгиланган талаблар тўла инобатга олинган, яъни пахта хом ашёси толасининг солиштирма узилиш қуввати, намлик ва ифлослик миқдорига қараб ҳисоб-китоб қилиш белгиланган. Ана шу стандартга мувофиқ пахта хом ашёсининг пишганлик коэффициентига қараб 5 та саноат навига ҳамда таркибидаги ифлос аралашмалар ва намлик миқдорига қараб 3 та синфга бўлинган.

Нархномада 4-типга мансуб С-65-24 навли пахтанинг биринчи саноат нави 1-синфининг (ифлослиги 3 фоиз) нархи 358890 сўм, 2-синфи (ифлослиги 3,1 фоиздан 10 фоизгача) 349590 сўм, 3-синфи (ифлослиги 10,1 фоиздан 16 фоизгача) 279790 сўм қилиб белгиланган. Демак, ифлос аралашмалар миқдорининг 1-синф билан 2-синф орасидаги фарқи 0,1 фоиз ошганлиги сабабли хўжалик ҳар тонна пахтасидан 9300 сўм, 2-синф билан 3-синф ўртасидаги шунча фарқ учун 69 минг 800 сўм даромад йўқотади.

Бундай ҳолатлар бошқа саноат навидаги хом ашё синфлари орасидаги нарх-наво фарқларига ҳам тааллуқли. Айниқса, учинчи саноат навидаги пахта синфлари нарх-навоси орасидаги фарқ жуда катта. Масалан, 1-синф пахтанинг нархи 287240 сўм, 2-синфники 255600 сўм, 3-синфники 180840 сўм. Бир тонна 1-синф (ифлослик даражаси 8 фоизгача) билан 2-синф (ифлослиги 8,1 фоиздан 12 фоизгача) пахта орасидаги фарқ 31640 сўм, 2-синф (ифлослиги 12 фоизгача) билан 3-синф (ифлослиги 12,1 фоиздан 18 фоизгача) орасидаги фарқ 74760 сўм. 1-синф билан 3-синф хом ашёси нархларидаги фарқ эса 106400 сўмни ташкил этади.

Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, йиғим-теримни ташкил этиш ва хом ашё сифатини кузатишда ўз бўлсада эътиборсизликка йўл қўйган ширкат ва фермер хўжаликлари катта иқтисодий зарар кўришлари аниқ. Айтайлик, 50 гектар майдонда ғўза парваришлаган фермер, қабул пунктига 150 тонна пахта топширди. Агар у 1-саноат навига қабул қилиниб, 2-синф хом ашёнинг ифлослик даражаси 1-синфга нисбатан 0,1 фоиз ошган бўлса, фермер умумий ҳисобда 1 миллион 395 минг сўм йўқотади. Худди шу вазиятни 3-саноат нави мисолида кўрадиган бўлсак, фермер жами 10 миллион 470 минг сўм даромаддан маҳрум бўлади. Энди минг гектар майдонда пахта етиштирадиган йирик ширкат хўжалиги йўқотадиган даромадни ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб кўринг-а.

Яна бир гап. Топширилаётган хом ашёдаги намлик миқдори белгиланган меъёрдагидан ортиқ бўлса, ҳар бир ортиқча фоиз намлик учун пахта қийматидан 0,5 фоиз чегириб ташланади. Бунга йўл қўймасликнинг муҳим шарти пишмаган, яъни хом пахтани теришга йўл қўймасликдир.

Хулоса қилиб айтганда, ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари катта меҳнат эвазига етиштирган пахта ҳосилидан олинажак даромадга тўла эга бўлиш учун йиғим-терим иштирокчилари ўртасида фақат обдон пишиб етилган пахтани тоза қилиб териш юзасидан тушунтириш ишларини кенг кўламда олиб боришлари зарур. Шу билан бир вақтда пунктларга келтирилаётган ҳосилни бетўхтов қабул қилиш ва унинг сифат кўрсаткичлари (саноат нави, ифлослиги, намлиги) лабораторияда тўғри аниқланишини назорат қилишлари лозим.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

БОЗОРХЎЖА АҲМАДОВИЧ ЭШОНОВ

Шафқатсиз ўлим қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ғайратли ва билимдон ташкилотчиси, ажойиб раҳбар ва камтарин дўстимиз, Чиноз тумани ҳокими Бозорхўжа Аҳмадович Эшоновни бевақт орамиздан ояиб кетди.

Бозорхўжа Эшонов 1959 йил 12 январда Паркент туманида туғилган эди. Меҳнат фаолиятини Юқоричирчиқ туманидаги Жумабозор матлубот жамиятида сотувчиликдан бошлади. Самарқанд кооператив институти ва Тошкент Давлат аграр университетини тугатгач, турли хўжалик ишларида меҳнат қилди. У 7-мевачилик-узумчилик давлат хўжалиги раҳбарининг ўринбосари, «Соҳибкор» давлат хўжалигида катта агроном, бош агроном бўлиб ишлади, шу хўжаликка раҳбарлик қилди.

Мустақиллик йилларида унинг ташкилотчилик маҳорати ёрқин намоён бўлди. Юқоричирчиқ туман ҳокимининг биринчи ўринбосари — туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаб, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшди. 2006 йил февралда Чиноз тумани ҳокими лавозимига тайинлангач, ишга алоҳида ғайрат билан киришди. У туман фаолларига, кенг жамоатчиликка таяниб, мавжуд куч ва воситаларни ғаллачилик ва пахтачиликни ривожлантириш, туман иқтисодиётини юксалтиришга сафарбар қилди. Қисқа муддатда одил, талабчан, қатъиятли раҳбар сифатида кенг жамоатчилик ўртасида катта обрў топди.

Меҳрибон дўст, ташаббускор раҳбар Бозорхўжа Эшоновнинг ёрқин сиймоси қалбларимизда бир умр сақланиб қолади.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.

УЛАР ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАС

Янгийўл шаҳридаги «Кичкинтой» вилоят болалар уйи биносининг капитал реконструкцияси учун давлат бюджетидан 60 миллион сўм маблағ ажратилди.

Шаҳардаги қатор тадбиркорлик тузилмалари ҳам ҳомийлик ёрдамларини аяшмаяпти. Бир неча ойдан сўнг болалар уйининг икки қаватли биноси ўзгача қиёфа касб этади. Бунинг учун хоналарни тўлиқ жиҳозлаш, янги тиббиёт асбоб-анжомлари, мебель ҳамда ошхона жиҳозлари келтириш кўзда тутилган.

Феруза ТЎРАЕВА.

СУРАТДА: *қурувчилар Равшан Умаров ва Тўрабек Мўйдиновлар таъмирлаш ишларида фаол иштирок этаяптилар.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

БАРҚАРОРЛИК МОДЕЛИ

Тошкентда "Ўзбекистон учун умумий барқарорлик модели: солиққа тортиш ва халқаро савдо" моделининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир БМТнинг тараққиёт дастури "Солиқ тизими ислоҳоти ва янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ишланмаси" ҳамда "Ташқи савдо ва инвестицияларни жалб этишга кўмаклашувчи институтлар салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш" лойиҳалари доирасида ўтказилди.

Тақдимот маросимида умумий барқарорликнинг амалий моделини яратишда катта тажрибага эга бўлган халқаро маслаҳатчилар – Колорадо университети профессори Майлс Лайт ва Массачусетс технология университети олими Сергей Пальцевлар маърузалар билан чиқишди. Нотиқлар ўз маърузаларида Ўзбекистон учун умумий барқарорлик моделидан фойдаланишнинг ижобий томонлари, шунингдек, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнига солиқ сиёсати таъсирини ёритишди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Германиянинг Вильгельм номидаги Вестфай университети билан ҳамкорликда "Юридик таълимнинг ҳолати ва истиқболлари: Германия ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида халқаро илмий-назарий анжуман ўтказилди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Мазкур илмий-назарий анжуман мақсади — ҳуқуқшунослик соҳаси таълимига оид илғор тажрибаларни ўрганиш, мавжуд муаммоларнинг ечимини биргаликда топишга қаратилган. Тадбирда Германияда ҳуқуқшуносликни ўрганиш ҳолати ва истиқболлари, Ўзбекистонда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, халқаро ҳуқуқшунослик тажрибаларини ўрганиш каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди.

«Туркистон-пресс».

Касаначилик

ЁШЛАРГА ҲУНАР ЎРГАТИШ – ЖОНУ ДИЛИМ

Тадбиркор Қумринисо Мирзаматова ўз имкониятларини чамалаб кўриб, республика «Мадад» суғурта компаниясига мурожаат қилишни кўнглига тугди. У бундан 30 йиллар муқаддам билим юртини тугатиб, тўқувчи-технолог дипломини олган. 15 йил боғчада ишлаб, болалар ижодиёт марказида миллий каштачилик, тўқувчилик тўгаракларини олиб борганида ёшларга ҳунар ўргатди.

Болалигида бувисидан, онасидан, қўшни аёллардан ўрганган чеварликни, зардўзликни ҳунар қилиб олиб, 2000 йилдан якка тартибда иш бошлади. Ёнига қизлари Зилола, Мадинани олди. Кейинчалик келини Ўғилой, жиянлари Камола, Муқаддас, Муқаддам, Фотималар қўшилишди. Кўрпа-тўшак тикишди. Зардўзлик билан машғул бўлишди.

— Ҳунар ўргатишда ёшларнинг қизиқишини ҳисобга олиш керак. Уларнинг иқтидорларини, интилишларини қадрлашимиз зарур, — дейди республика «Усто» уюшмаси аъзоси Қумринисо Мирзаматова. — Ҳунарни мажбурлаб ўргатиб бўлмайди.

Шунингдек, тадбиркор «Устоз-шогирд» йўналишида шаҳар меҳнат бўлими билан бевосита иш юритган ҳолда йилига 10 нафар ёшларга ҳунар ўргатиб келаётир. Аҳолидан буюртма олиб, чевар қизлари билан биргаликда тайёрлаб бермоқда. Шунинг ҳисобига 2001 йили банкдан олинган 1,5 миллион сўм кредит икки ой муддатда тўланди. Цемент заводининг бўш ётоқхонасидаги олтита хона аввал ижарага, кейинчалик эса, тўла сотиб олинди. «Бекободцемент» ҲЖнинг 75 йиллик юбилейи муносабати билан унинг 1 миллион 200 минг сўмлик буюртмасини тайёрлашди. Биргина ўтган йилнинг ўзида Зафар маданият уйига 800 минг сўмлик, «Металлурглар» маданият саройига 600 минг сўмлик миллий кийимлар, зар чопонлар тикиб беришди.

— Инсон ҳаётда умид билан яшаши, эл ташвишини тушуна билиши лозим, — дейди Қумринисо. — Ҳунарли одам хор бўлмаслигини ёшларга уқтириш зарур. Ёнатрофимизда ишсизлар бўлиши мумкин. Қизлар ҳам ҳунар ўрганишса, ҳаётда қоқилмайдилар. Кўпинча ёшларга ҳунаримни бепул ўргатаман. Қийналиб қолган оилаларга ҳақ олмай буюртма тикиб бераман. Ҳозирда қизим Зилола ўзи мустақил тадбиркорлик қиляпти. 100 га яқин шогирдларим бор. Келгусида мебель созловчи 10 нафар йигитни ишга жалб қилмоқчиман.

Ҳа, «Қушбеги» ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Қумринисо Мирзаматованинг ниятлари шундай. У Мустақиллик туфайли тадбиркорлик фаолиятини кенг йўлга қўйди, ҳаётда ўз ўрнини топди ва яратилган имкониятлардан фойдаланиб, эл-юрт хизматида бўлаяпти.

Тўхтанисо ЖЎРАБЕКОВА,
Бекобод шаҳри.

Маҳалла

Одатда, кўпчиликка бош бўлиб, уларнинг бошини қовуштириб, катта ишлар, эзгу мақсад ва вазифаларга даъват этиб, руҳлантириб яшаш осон эмас. Бунинг учун инсонда табиат юктирган иқтидор ва салоҳият, юксак фидойилик ҳамда масъулият ҳисси бўлиши керак.

ОҚСОҚОЛ ДЕГАНИ ШУНДАЙ БЎЛСА...

Бўкалик Маъруф Саидраҳмонов ўзининг 46 йиллик меҳнат фаолияти мобайнида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Айни вақтда Бўка тумани Турон қишлоғидаги Хўжақўрғон маҳалласининг раиси. Орттирган кўп йиллик ҳаётий ва меҳнат тажрибаси ҳозирги масъулиятли, катта фидойилик талаб этадиган вазифасида асқотмоқда.

Оқсоқол маҳалладаги тинч-тотувликни, илиқ маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ёшлар тарбиясига эътибор бериш, оилалардаги осойишталикни сақлашга бутун ҳудуд аҳлини жалб этмоқда. Маҳаллада уюштирилаётган турфа маданий-маърифий тадбирлар, мутахассис ва мутасаддилар иштирокидаги учрашувлар айниқса, самарали бўлмоқда. Уларда ОИТС ва гиёҳвандлик муаммолари, ёшлар ва аёллар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш, навқирон авлодни оилага тайёрлаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий жабҳалардаги қатор муҳим масалалар кўпчилик муҳокамасида ўз ечимини топмоқда. Аҳолини фойдали меҳнатга, ёшларни таълим-тарбия ва оммавий спортга кенгроқ жалб этиш ҳаракатларининг кўлами ошмоқда. Натижада, кейинги йилларда ҳудудда жиноятчилик кузатилмади, аҳолининг электр энергияси, табиий газ ва бошқа маиший хизмат тўловларидан қарздорлиги кескин камайиб бораётир.

Маъруф Саидраҳмонов маҳаллага мунтазам аралашиб туриш, унинг яхшиёмон кунида собит бўлиш, ҳар лаҳза маҳалладошлар қувонч ва ташвишларига шерик бўлиб яшашни ҳаётнинг чинакам мазмуни, деб билади. У нафақат Хўжақўрғон маҳалласи, балки бутун Турон қишлоғининг ҳар гўшасини, у ерда яшаётган минглаб турфа феъл-атворли инсонларни яхши билади, беш қўлдек танийди.

— Маҳалламиздаги нуроний, кўпни кўрган қариялардан тортиб, эл-юрт корига камарбаста бўлиб ишлаётган турли касб эгалари, тадбиркору ҳунармандгача, деҳқону фермергача, ўқитувчию тарбиячигача, ҳатто, эндигина атак-чечак қилаётган болакайлар ҳам маҳалла-кўйнинг эътибори, қайноқ тафтини ҳис этиб яшайди, — дейди оқсоқол. — Шу сабабли маҳалладошлар орасида ортиқча гап-сўз, уруш-жанжал, гина-кудурат чиқмайди. Одамларимизда бирдамлик, эзгу мақсад ва муддаолар сари интилиш кучли.

Дарҳақиқат, кўпчилик ҳаракати билан кейинги йилларда маҳалла ҳудуди тобора ободонлашиб, кўркам, файзли қиёфа касб этиб бормоқда. Одамларнинг яшаш шароитлари яхшиланиб, турмуш тарзи фаровонлашиб бораётир. Ўтган икки-уч йил мобайнида ҳудуднинг 12 километрлик ички ва марказий кўчалари таъмирланди. Йўл четларига лотоклар ўрнатилиб, минглаб манзарали, мевали дарахтлар, гуллар экилди. Маҳалла болалари учун мўъжаз спорт мажмуаси бунёд этилди, қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўтган йили ҳудудга қўшимча 65 километр узунликда газ қувурлари тортилиб, аҳолининг табиий газдан фойдаланиш имкониятлари яхшиланди. Тоза ичимлик суви таъминоти йўлга қўйилди. Оталар чойхонаси ҳамда маҳалла гузари барпо этилиб, фаолият бошлади. Қатор маиший ва савдо хизмати кўрсатувчи шахобчалар ишга тушди, янги иш ўринлари яратилди. Эътиборли жиҳати, буларнинг аксарияти маҳалла кучи, ҳашар йўли билан қилинди. Маҳалла оқсоқоли бу жараёнларда бош-қош бўлиб, кўплаб тадбиркорлар, фермерлар ва ташкилотлар бошини хайрли ишларга қовуштиришдан чарчамади. Одамларда бунёдкорлик, яратувчанлик ва фаоллик ҳиссини уйғота олди.

Яхшидан боғ қолади, дейди халқимиз. Хўжақўрғонликлар ўз оқсоқолларини ҳамиша ҳурмат билан тилга олишади, эъзозлашади. Маъруф Саидраҳмоновнинг эл-юрт олдидаги холис хизматлари давлатимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланиб, унга 2001 йилда «Шуҳрат» медали топширилди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2006 йилнинг 25 октябрь, 1, 8, 15, 22, 29 ноябрь ва 6, 13, 20, 27 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади.
Савдоларга Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг буйруқларига асосан қуйидаги объектлар қўйилади:
Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган ер участкалари:

Ер майдонининг жойлашган манзили	Ер майдонининг сони (дона)	Ҳар бир ер майдонининг сатҳи (га)	Ҳар бир ер майдонининг бошланғич нархи (сўм)
"4-Чўққайма" маҳалла ҳудуди	40	0,04	73 920
Оҳангарон шаҳри, Меҳрибонлик кўчаси	3	0,04	47 600
Оҳангарон шаҳри, А. Набиев кўчаси	2	0,04	47 600
Шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун сотилиши белгиланган ер майдонлари:			
Паркент тумани "Бўстон" қ.ф.й. ҳудуди	6	0,06	78 672
Оҳангарон шаҳри, Меҳрибонлик кўчаси	3	0,06	71 400

Ҳамда Тошкент вилояти божхона бошқармасининг 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AV 496 бўлган "УАЗ-31512" русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 566 000 сўм;**
"OHANGARONDON" ОАЖнинг 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 AK 070 бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 8 869 000 сўм;**
Тошкент вилояти хўжалик судининг 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AX 262 бўлган "ГАЗ-3102-311" русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 6 400 000 сўм билан қўйилади.**

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоиз миқдоридаги закалат пулини "POYTAXT AUKSION" ДУК АТИБ "Ипотека-банки" Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш ер майдонларига савдодан уч кун аввал ва автотранспорт воситаларига савдодан бир соат аввал тўхтатилади. **Савдолар соат 11.00 да бошланади.**
Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-"А"-уйда ўтказилади. **Мурожаат учун телефон:** 133-23-40.

Мустақиллик йилларида аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқий билимларини ошириш устувор вазифага айланди. Бу жараёнда нотариал идора ходимлари фаол иштирок этишмоқда. Маҳаллаларда, турли ташкилот ва муассасаларда суҳбатлар ўтказилмоқда, одамларга фуқаролик муносабатларининг ҳуқуқий асослари тушунтириляпти. Айни пайтда нотариал хизмат савияси яхшиланиб бормоқда.

ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИДА

Қуйичирчиқ туманидаги Шоҳида Муҳаммаджонова раҳбарлигидаги нотариус ходимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нотариал ишларни бажарганлик учун давлат божи ставкалари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини изчил амалга оширишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар ойига 450-500 мижозга намунали нотариал хизмати кўрсатаяптилар.

Дилноза МУРТАЗОЕВА.

СУРАТДА: *Шоҳида Муҳаммаджонова мижозлар билан.*

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг сўнгги қурултойи бўлиб ўтганига бир йил тўлаяпти. Қурултой қарорлари касаба уюшмалари аъзоларининг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишнинг Президент белгилаб берган устивор йўналишларидаги фаолият самарадорлигини кўтаришда асосий мезон бўлиб қолди.
Хўш, бу қарорлар қандай бажарилмоқда? Касаба ташкилотлари фаолиятида қандай янги жиҳатлар намоён бўлаётир? Унчалик оддий бўлмаган ҳозирги шароитда улар меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қила олаяптими? Ўзбекистон касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида айни шу саволлар ўртага қўйилди. Иштирокчилар жамият, давлат, иш берувчи ва ишловчиларнинг барча гуруҳлари манфаатларининг уйғунлиги ва тенглигини таъминлашда касаба уюшмаларининг роли ва таъсири тобора кучайиб бораётганлигини таъкидлашди.

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Ҳуқуқ, унинг тўла таъминланиши мамлакат қонунлари қай даражада «ишлаши»га боғлиқ. Қонуннинг ҳар бир ҳарфи ва сўзига риоя қилишини, ижтимоий адолат барқарорлигини таъминлашда жамоатчилик назорати асосий ўрин тутади. Уни амалга оширишда меҳнаткашларнинг энг оммавий жамоат ташкилотлари — касаба уюшмаларининг таъсири ниҳоятда катта.

— Меҳнаткашлар поймол этилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб кўпинча ўз ташкилотларига мурожаат қиладилар, — дейди касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ҳуқуқшуноси Надежда Ефимова. — Бинобарин, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш касаба ташкилотлари саъй-ҳаракатларида асосий йўналиш ҳисобланади.

Касаба ташкилотларининг вилоят, шаҳар ва туман идораларига меҳнаткашлар ўз бузилган ҳуқуқларини тиклашни, қонунларда кўзда тутилган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қиладилар. Сўнгги беш йиллик таҳлил шуни кўрсатадики, ҳар йили 500-550 меҳнатчи касаба идораларидан ҳуқуқий ёрдам сўрайди. Охирги беш йил ичида вилоят касаба ташкилотлари меҳнаткашлардан 2671 та хат, шикоят ва ариза олди. Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, улар, асосан, ишлаб чиқаришда шикастланганлик туфайли етказилган зарарни қоплаш, ишдан ноқонуний бўшатиш ёки қисқартириш, иш ҳақини ўз вақтида тўламаслик масалаларига дахлдор.

Чунончи, иш берувчи Қуйичирчиқ туманидаги «Каноп» тажриба участкасининг ишчилари З. Қосимова билан С. Тўхтаевани ишдан ноқонуний бўшатган. Уларнинг аризаларини кўриб чиқиш жараёнида бу ноҳақлиқ ойдинлаштирилиб, касаба уюшмалари ташкилотларининг вилоят кенгаши адолат қарор топишига эришди. Улар ҳам ишга тикланишди, ҳам бўш юрган вақтлари мобайнида етказилган моддий зарар ундириб берилди. «Ўзагросуғурта»нинг вилоят бўлими ходими Д. Қорабоева, Янгийўл «Дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти ходими Г. Мамедова, вилоят коммунал хўжалик бирлашмаси ходими Г. Пўлатовага нисбатан ҳам иш берувчилар томонидан шундай ноҳақликларга йўл қўйилган эди. Ҳар бир ҳолатда касаба ташкилотлари бирлашмаси вилоят кенгаши ўз аъзоларининг манфаатларини охиригача ҳимоя қила олди, уларнинг поймол этилган қонуний ҳуқуқларини тиклади.

— Афсуски, аъзо ташкилотларимиз меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳамиша ҳам қатъиятлилик кўрсата олмаётирлар, — дейди вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Рустам Турдиалиев. — Аксарият туман ва бошланғич касаба қўмиталари иш ҳақидан қарздорликни бартараф этишда муросасозликка йўл қўймоқдалар, ўзларининг қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган ваколатларидан тўла ва охиригача фойдалана олмаётирлар. Натижада корхона ва ташкилотларда иш ҳақини белгиланган муддатларда тўламаслик одат тусига кириб бораётир.

Эътироф: «Шу йилнинг биринчи август ҳолатига кўра, вилоят бўйича иш ҳақидан қарздорлик 1,6 миллиард сўмга етди. Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати корхоналари, автотранспорт, агросаноат, коммунал-маиший ва савдо, шунингдек, қурилиш ташкилотларида бу кўрсаткич, айниқса, юқорилигича қолаётир. Тегишли касаба идоралари эса, бу ҳолатни бартараф этиш учун маъмурият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан етарли даражада ҳамкорлик қилмаётир, сусткашликка йўл қўяётир».

Шуни унутмаслик керакки, меҳнат аҳлининг ҳуқуқларини ҳимояловчи қонунларнинг қабул қилиниши уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини автоматик равишда, ўз-ўзидан таъминлаяпти, деган сўз эмас. Касаба ташкилотларининг етакчилари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунчиликда касаба уюшмаларига берилган ҳуқуқлар ва ваколатлардан оқилона фойдаланиб, қонун меъёрларига жойларда қандай риоя қилинаётганлигини мунтазам равишда назорат қилишлари мақсадга мувофиқдир.



МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ КОРХОНА ФАОЛИЯТИДАН УСТУН

Сир эмаски, мулкчиликнинг шакллари кўпайиб, хусусий тадбиркорлик қўлами кенгайгани сари катта-кичик ишлаб чиқаришларда бахтсиз ҳодисалар юз бериши ва касб касалликларига чалиниш маълум даражада ортиб бораётир.

Маблағ етишмаслиги, созлаш-таъмирлаш ишларининг қимматлиги рўкач қилиниб, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги чора-тадбирларини амалга оширишга эътиборсизлик тобора кўпроқ кўзга ташланаётир. Айрим тармоқларда, айниқса, соғлиқни сақлаш, енгил ва мебель саноати, коммунал-маиший хизмат корхоналари ва муассасаларида иш жойларини шаҳодатлаш мутлақо суст.

— Натижада санитария-гигиена меъёрларига жавоб бермайдиган меҳнат шароитларида ишловчилар сони камаймаётир. Ишловчиларни махсус кийимбош, пойабзал ва якка тартибда фойдаланиладиган бошқа ҳимоя воситалари билан таъминланиши мураккаблашиб бормоқда, — деди касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг инспектори Эркинали Усмонов. — Боз устига, ишловчиларга берилаётган махсус кийимбош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситаларининг сифати паст. Ноқулай ва зарарли шароитларда ишловчиларни махсус сут ва унга тенглаштирилган озиқ-овқатлар билан таъминлаш масалаларида ҳам камчиликлар мавжуд.

Маълумотномадан: «Янгийўлдаги 2503-автокорхона ва Юқоричирчиқ туман машинатрактор паркида ишловчиларга махсус сут берилишида узилишларга йўл қўйилмоқда. Оққўрғон ва Оҳангарон туманларидаги йўл бошқармалари, Қибрай туман машинатрактор парки, «Ғазалкентойна» қўшма корхонасида эса сут умуман берилмайди».

— Афсуски, шундай ҳолларда касаба қўмиталари ва уларнинг комиссиялари, меҳнат муҳофазаси мутахассислари қатъият ва талабчанлик кўрсатмаётирлар, — дейилди вилоят касаба кенгашининг яқинда ўтган мажлисида. — Жамоа шартномаларидаги меҳнат муҳофазасига тааллуқли тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат сезилмаяпти. Акс ҳолда бу мақсад учун ажратилган пул маблағларининг 20-25 фоизи ўзлаштирилмай қолиб кетаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Ахир, меҳнат муҳофазаси бўйича тузиладиган битимлар ишлаб чиқаришда касб касалликларига чалиниш, шикастланиш ёки жароҳатланиш, оғир оқибатлар келтириб чиқарувчи бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган-ку?!

Факт: ўтган йили вилоят саноат корхоналари ва ташкилотларида 43 та бахтсиз ҳодиса юз берди. Уларнинг 28 таси оғир оқибатларга олиб келиб, 17 таси ўлим билан тугади.

Шу йилнинг дастлабки олти ойи давомида ишлаб чиқаришда 7 та бахтсиз ҳодиса юз берди. Уларнинг аксарияти агросаноат мажмуи корхоналари ва хўжаликларида, ёқилғи-энергетика мажмуи, кимё саноати ва геология корхоналарида содир бўлди.

— Корхона ва хўжалик раҳбарлари, касаба органлари ходимлари ва фаолларимиз асло унутмасликлари керакки, меҳнат муҳофазаси соҳасидаги давлат сиёсати ишловчиларнинг саломатлиги ва ҳаётини корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятидан устун қўяди, — деб таъкидлашди мажлисда сўзга чиққан нотиқлар. — Шу боис инсон ҳаёти ва соғлиги учун кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлди. Зарарли иш жойларини аниқлаш, уларни бартараф этиш учун ташкилий, техникавий чора-тадбирлар мажмуи режали, изчил ҳамда самарали амалга оширилиши керак.

«Касаба уюшмалари қанча кучли бўлса, иш жойлари шунчалик хавфсиз бўлади!» — бу шунчаки шиор эмас, аниқ мақсадга, амалий ҳаракатга айланиши касаба фаолларининг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Қонун, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган қоида ва талаблар касаба кенгашлари, қўмиталари ҳамда вакилликларига катта ваколатлар беради. Улардан фойдаланиш эса касаба фаолларининг савияси, билими, ҳаётий позицияси, талабчанлиги ва қатъиятлиги билан белгиланади. Улар мавжуд барча имкониятлар ва қонунчиликда белгиланган ҳуқуқлардан тўла фойдаланишлари ҳар бир иш жойида, ҳар бир ишлаб чиқаришда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш учун иш берувчиларнинг масъулиятини оширишнинг асосий шартидир.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВР

СУРАТДА: *«Алимкент пахта тозалаш корхонаси» акциядорлик жамияти касаба қўмитасининг раиси Гулбаҳор Гайназарова «Фидокорона меҳнатлари учун» ордени соҳиби, чилангар Маҳамаджон Ғиёсов ва бош механик Эркин Абдураимов билан суҳбатлашмоқда.*
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ИШ ЖОЙИ — ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ АСОСИ

Ҳозирги шароитда ишчи кучи бозори рақобатсиз бўлмайди. Меҳнат бозоридаги ҳолатлар ва ишга ярокли аҳолининг бандлиги муаммолари касаба ташкилотларининг фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади. Ишсиз қолган кишиларни ишга жойлаштириш билан улар фаол шуғулланишлари давр талабларига айланди.

Факт: ўтган йили вилоятимизда 13,9 минг киши, шу жумладан, 5,1 минг киши штатлар қисқартирилиши ёки корхона тугатилиши муносабати билан ишдан бўшатилди.

Шуларни ҳисобга олиб, касаба ташкилотлари юртдошларимизнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлаш учун курашни фаоллаштирмоқдалар. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишини таъсирчан назорат қилиш улар фаолиятида тобора муҳим ўрин эгаллаб бораяпти. Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлигининг ҳудудий келишувида бандлик муаммосини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилган. Уни оғишмай амалга оширишни кўзлаб, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда меҳнат бозори ва иш билан таъминлаш борасида амалга ошириладиган тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, қўшма қарор билан тасдиқланди. Вилоят ҳокимининг шу йил 18 август куни қабул қилган қарорида эса, иккинчи ярим йилликда аҳолини иш билан таъминлаш вилоят дастурининг йўналишлари аниқ-равшан белгилаб берилди.

Маълумотномадан: иккинчи ярим йилликда меҳнат бозори 38637 кишини ишга таклиф қилиши кутиляпти. Илк бор иш қидираётган ёшлар ва иш билан банд бўлмаган иш қидирувчилар, турли сабабларга кўра ишдан озод бўладиганлар унинг асосий қисми — 34121 кишини ташкил этади.

Кўриниб турибдики, янги иш ўринларини белгиланган муддатларда тўлиқ яратиш, маиший хизмат, касаначилик, оилавий тадбиркорлик соҳаларида банк кредит линиялари орқали яратиладиган янги иш жойларини ташкил этиш, бўш иш ўринлари ярмаркаларига амалий тус бериш вазифалари долзарблигича қоляпти. Шундай экан, касаба қўмиталари, тармоқ касаба ташкилотлари бу муаммоларни бартараф этишда фаол қатнашишлари керак. Уларнинг аксарияти шунга интиляпти. Айниқса, қишлоқларда янги иш жойларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда кичик ва хусусий корхоналар, хизмат кўрсатиш тармоқлари ташкил этилаётир. Касаначиликка одамларни иш билан банд қилишнинг асосий ва самарали усули сифатида қаралаётир.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — ҚОНУН

Кенг қамровли ислоҳотлар иқтисодиётни бозор муносабатларига мослаштириб, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ масалаларни устувор даражага кўтармоқда. Бу ҳолатлар меҳнат кишиси ва унинг оила аъзолари манфаатларига ҳизмат қилиш тамойилини касаба уюшмалари фаолияти негизига сингдириб, ҳимояга оид вазифаларини кучайтиришга даъват этади.

— Вилоятимиз касаба ташкилотлари бунинг учун давлат бошқаруви идоралари, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги муносабатларда юзага келаётган муаммоларни фақат музокара, ҳамкорлик ва ўзаро келишув йўли билан ҳал этиш — ижтимоий шерикчилик усулини танлаганлар, — дейди вилоят касаба кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова. — Бундай ҳамкорлик демократик жамиятни барпо этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, аҳолининг кенг табақаларига манзилли ёрдам кўрсатиш, меҳнат шароитларини яхшилаб, уни муҳофазалашни кучайтириш, меҳнатга одилона ҳақ тўлаш ва бандликни таъминлаш, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар бериш, дам олдириш ва соғломлаштиришни яхшилаб бориш имкониятини беради. Шу масалаларни қамраб олувчи тармоқ битимлари ва жамоа шартномалари ҳозирги кунда меҳнат шарт-шароитларини мувофиқлаштириб, давлат, иш берувчилар ва ишловчилар ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштирувчи қонуний ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, вилоят ҳокимлиги билан касаба уюшмалари ташкилотлари вилоят бирлашмасининг кенгаши ўртасида 2004-2006 йиллар учун қабул қилинган ҳудудий келишув аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашни кучайтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Ҳозир тармоқ касаба уюшмаларининг вилоят, шаҳар ва туман ташкилотлари шу ҳудудий битим талабларидан келиб чиқиб, уч томонлама тузган 18 та вилоят, 36 та шаҳар ва туман тармоқ битимлари кучга кирган. Мулкчилик туридан қатъи назар вилоятдаги корхона, ташкилот ва хўжаликларнинг 94,7 фоизида меҳнат шартномалари амал қилмоқда.

Хусусий мисол: Бўка туманидаги «Агросувқурилиш» кўчма механизациялашган корхонасида иш берувчи билан касаба қўмитасининг ўзаро ҳамкорлиги меҳнат билан боғлиқ низоли ҳолатлар ва иш ҳақидан қарздорлик муаммоларини барҳам топтирди. Бепул транспорт хизмати ва тушлик, ходимларнинг тўй-маросимларига 50 минг сўм ва гилам совға қилиш, бошқа имтиёзлар корхонада маънавий-ижтимоий муҳитни яхшилаб, ходимлар қўнимсизлигини тугатди. Бир йил ичида 52 ходим ёки ҳар беш ишловчидан уч киши турли саёҳатларда бўлди, «Олтин ёмби» пансионати, «Чинобод» ёки «Семург» санаторийларида дам олиб, саломатлигини тиклаб қайтди. Шу йилнинг биринчи ярмидаги ҳалол ва баракали меҳнатлари учун уч экскаваторчи рангли телевизор, видеомагнитофон ва гилам билан тақдирланди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кейинги йилларда жамоа шартномаларининг лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва қабул қилинганликларини рўйхатга олиш уларнинг амалийлигини ошираётир. Ҳозирги пайтда «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «ОКМК», «Аммофос» очиқ акциядорлик жамиятлари ва бошқа кўплаб корхонаю ташкилотларда бундай шартномалар меҳнат жамоалари ҳаётининг қонунига айланди. Касаба қўмиталари уларда белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишини муттасил назорат қилиб бормоқда. Умумий йиғилишлар, касаба қўмиталарининг мажлисларида жамоа шартномаларининг бажарилиши билан боғлиқ масалалар бўйича раҳбарлар ёки бош мутахассисларнинг ҳисоботларини тинглаш анъанага айланди.

Лекин касаба уюшмалари вилоят ташкилотининг яқинда ўтган мажлисида бўлакча мисоллар ҳам келтирилиб, бу борада ўзибўларчиликка йўл қўяётганлар номма-ном тилга олинди. Жумладан, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг вилоятимиз бўйича вакиллиги тегишли идоралар билан тармоқ битими тузилишига ҳанузгача эришмаганлиги алоҳида таъкидланди. Аҳвол шунмоқда. Масалан, Қибрай туман марказий шифохонаси, Далварзин пахта тозалаш корхонаси ёки Ғазалкент ўқув спорт-техника клубида касаба қўмиталари жамоа шартномалари мукаммал тузилишига эришмаганлар. Бекобод шаҳар ва Бўстонлиқ туман босмахоналари, Қибрай, Юқоричирчиқ машина-трактор парклари касаба қўмиталари эса жамоа шартномалари ва битимларда белгиланган тадбирлар бажарилишини таъминламаётирлар. Бу, табиийки, юзлаб ишловчиларни ўз меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа манфаатлари энг оммавий жамоат ташкилотлари томонидан ишончли ҳимояланишидан четда қолдираётир. Фавқулотда ҳолатлар — ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса юз берганида, киши касб касаллигига чалиниб қолганида бу бефарқликнинг салбий оқибатлари юзага қалқиб чиқмоқда.

Давр тамойиллари ва сўнгги йиллар тажрибаси жамоа шартномаларига янгича ёндошиш лозимлигини ҳам кўрсатмоқда. Даромадни меҳнаткашлар иштирокида тақсимлаш, хавфсиз иш шароитларини яратиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, маҳсулот тури янгиланган, мулк шакли ўзгарганда ёки корхона банкротга учраганда ижтимоий кафолатлар уларнинг муҳим шартига айланишини ҳаётнинг ўзи талаб қилаётир.

Саҳифа материалларини Ўзбекистон касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири Эътиборхон РАҲМОНОВА ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВлар тайёрлашди.

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ:
РАҚИБЛАР АНИҚ!

Жорий йилнинг 28 ноябрь-15 декабрь кунлари Қатар пойтахти Доха шаҳрида XV Осиё ўйинлари ўтказилади. Мазкур мусобақа дастуридан жой олган футбол беллашувларида қитъамизнинг ўттизта терма жамоаси қатнашиш истагини билдирган.

Осиё ўйинларида 23 ёшгача бўлган футболчилардан таркиб топган терма жамоалар тўп суради. Мусобақанинг финал қисмида жами 24 жамоа қатнашиши белгиланган. Бу гал Осиё ўйинларида иштирок этувчилар сони кўпайгани боис, ташкилотчилар 22 терма жамоа ўйинларни тўғридан-тўғри мусобақанинг финал қисмида бошлашини, саралаш босқичида беллашадиган саккизта терма жамоа орасидан иккитаси саралаб олинишини маълум қилди.

Терма жамоаларни гуруҳларга бўлиш учун ўтказилган қуръа ташлаш натижасига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси мусобақанинг энг кучли – "А" гуруҳидан жой олди. Унда футболчиларимиз мезбон терма жамоа – Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари ва 1-саралаш гуруҳининг ғолиби билан куч синашади. Мазкур терма жамоалар қаторидан жой олиш учун Иордания, Тожикистон, Қирғизистон ва Макао футболчилари саралаш гуруҳи ғолиблиги учун ўзаро беллашади.

Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан Осиё ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган терма жамоамизга тажрибали мутахассис – Рауф Инилеев бош мураббий этиб тайинланди.

Беллашувларда иштирок



этадиган футболчилар 24-27 сентябрь ва 7-9 октябрь кунлари ташкил этиладиган навбатдаги ўқув-машғулот йиғинларида қатнашади. Шунингдек, октябрдаги йиғин доирасида Таиланд футболчилари билан пойтахтда ўртоқлик учрашувини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

АВТОРАЛЛИ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда жисмоний имконияти чегараланган кишилар ўртасида "Авторалли-Саховат" мусобақаси якунланди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ташаббуси билан Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ҳамда "Ралли-спорт" автоклуби иштирокида ташкил этилди.

Мамлакатимизда илк бор ўтказилган авторалли иштирокчилар машинани тез ва соз, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этган ҳолда бошқариш билан бирга мерганлик, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ҳам синов топшириқларини бажарди.

Биринчи ўринни пойтахтлик М.Мирахмедов ва Э.Худойбердиевдан иборат экипаж эгаллади. Иккинчи ўрин Тошкент вилоятидан А.Маърупов ҳамда Ж.Худойқулов, учинчи ўрин эса пойтахтлик Р.Шоотабоев ва М.Абдукаримова экипажига насиб этди.

ЎзА.

ЁШЛАР ДОНА СУРГАНДА

Пойтахтимиздаги Республика шахмат-шашка клубида шахмат бўйича 20 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида мамлакат чемпионати якунланди.

Ўғил болалар ўртасидаги беллашувларда ғолиб сўнгги – еттинчи турда аниқланди. Унда Тошкент вилояти вакили Ёқуб Холматов пойтахтлик Элёр Назаровни мағлубиятга учратиб, етти имкониятдан 5,5 очко жамғарди ва мамлакат чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Қизлар ўртасидаги беллашувда 5,5 тадан очко жамғарган Озода Каримова ва Азиза Қўчқорова дастлабки икки поғонани эгаллаган бўлса, учинчи ўринни 4,5 тадан очко жамғарган тўрт нафар шахматчи – Муяссар Ортиқова (Тошкент вилояти), Ирода Иброҳимова (Сурхондарё), Сарвиноз Қурбонбоева (Сирдарё), Мастура Мирзаева (Андижон) бўлишиб олди.

ЎзА.

Турфа олам

БИР КЕЧА-КУНДУЗ – 25 СОАТ?

1972 йил қабул қилинган қоидага кўра, атом соати ва фазовий вақт ўртасидаги мувофиқликни сақлаб туриш учун ҳар йили сана ҳисобига доимий тарзда бир сониялик вақт қўшиб келинмоқда. Эндиликда мазкур қоида бекор қилиниши мумкин. Ушбу масала Халқаро электрон алоқа иттифоқи томонидан такроран кўриб чиқилиши кутилмоқда.



Шу пайтгача фазовий вақтга жами 23 марта ўзгариш киритилган. Бундан буён атом хронометри ҳақиқий вақтдан бир соатга илгарилаб кетишини кутишга тўғри келиши мумкин. Ана шунда бир кеча-кундузнинг узунлиги 25 соатга тўғри келади. Мутахассисларнинг фикрича, бундай ҳодиса XXIII асрга борибгина рўй беради.

РАТА-ТАСС хабарига қараганда, мавжуд қоида ислоҳ қилинишининг асосий сабаби вақтни тез-тез ўзгартиб туриш телекоммуникация компаниялари учун катта қийинчилик келтириб чиқараётганидадир. Шунингдек, кундалик турмушда муҳим аҳамиятга эга бўлган электрон жиҳоз ва асбоб-ускуналарнинг фаолиятида узилишлар содир бўлаётир. Масалан, электрон ва биржа савдолари бундан анча зарар кўради.

Таклиф этилаётган янги қоида 2007 йилга бориб амалиётга татбиқ этилиши мумкин. 2010 йилда эса мавжуд қоидадан бутунлай воз кечилади.

Фазовий вақт атом соатидан ортда қолиб кетишининг асосий сабаби шундаки, Ернинг ўз ўқи атрофида айланиш вақти аниқ 24 соат эмас. Бунда ойнинг тортиш кучи, ҳаво қатлами билан боғлиқ ҳолатлар ва сайёрамиздаги бошқа ўзгаришлар алоҳида аҳамиятга эга. Ерда соат етти йиллик танаффусдан сўнг 2005 йилда илгари сурилган эди. Ундан олдин бу иш ҳар икки йилда бир бор амалга оширилган.

Орифжон ТУРОПОВ, ЎзА шарҳловчиси

Жаҳон адабиёти дурдоналаридан

Михаил Семёнович чошгоҳда уйқудан бош кўтарди. Ҳовли кезди. Ҳайитмисан – ҳайитга ўхшарди. Ҳовли-жой саранжом-саришта. Хотини билан бева қизи ҳайитлаб келган эди. Қизи ясан-тусан. Хизматкор дарров отаравани олдига кўндаланг қилди. Михаил Семёнович ибодатга бориб келди. Оқсоч хотин самовар кўйди. У мириқиб чой ичди, роҳатланиб чилим чекди. Кейин оқсоқолни чақирди.

– Ҳм, нима бўлди, мужикларни далага чиқардингми?

– Чиқардим, хўжайин.

– Ҳаммаси чиқдими, биронтаси қочиб кетмадими?

– Битта қолмай текис чиқишди. Ўзим дала бошига олиб бориб қўйдим.

– Далага-ку, олиб бориб қўйибсан. Лекин улар ер ҳайдаётганмикан? Ҳозироқ қўшга бор. Қарачи, ким нима қилаётибди экан. Кейин, хўжайин тушдан кейин келар экан, де. Ҳар икки омоч эгаси ўн сотихдан ер ҳайдасин. Яхшилаб ҳайдасин, укдингми? Мабодо тирноқдай ишкал топадиган бўлсам, ҳайит-пайитига қараб ўтирмайман. Аямайман.

– Хўп бўлади.

Оқсоқол чирт бурилиб, чиқиб кетаётувди, гумашта чақириб қолди. Хўжайин нимадир демоқчи бўлди-ю айтолмади, қандай сўз очишини билмай иккиланди. У каловланиб турди-ю, охири деди:

– Менга қара, сенга тағин бир гап бор эди. Секин қулоқ солиб кўр-чи, у ярамаслар мени нима деб ғийбат қилишар экан. Ёмонлайдими, ҳасрат қиладими ё бўлмаса... Хуллас, нима гап эшитсанг, оқизмай-томизмай айтиб берасан. Мен у текинтомоқларни биламан. Иш десанг, бели оғрийди. Уларга ош бўлса-ю иш бўлмаса. Қўйиб берсанг, ҳайит экан, деб саланглаб юраверади. Билишмайдики, ҳозир ерни оби-тобида ҳайдаб олмасанг кеч бўлади. Бўпти, бор энди. Қулоғингни динг қил, ким нима деган бўлса, миянгга қуйиб ол. Ҳей, билиб қўй, у муттаҳамларнинг биронта гапини яшириб юрма, мени биласан-а.

Оқсоқол андак дадилланиб гап бошлади:

– Улар сиздан хафа, Михаил Семёнович, ҳаммаси ғийбатингизни қилаяпти...

– Нима деб ғийбат қилаяпти, тезроқ айтгинда, гўрсўхта!

– Ҳамманинг оғзида бир гап: хўжайин худога ишонмайди, имонсиз, дейди.

Гумашта ўлганининг кунидан тиржайди:

– Ким шунақа деди?

– Мужикларнинг ҳаммаси. Қайси бирининг олдига борсанг, хўжайин шайтони лаъин билан тил бириктирган, у худобезор, дейди.

Гумашта тағин кулимсиради.

– Бу гапинг дуруст, – деди бетоқат бўлиб, – аммо сен очиқроқ қилиб айт, кимдан қандай гап эшитдинг? Масалан, Васька нима деди? Хўш?

Оқсоқол бир қишлоқда яшаб туриб, ўзининг одамларини сотгиси келмади, бироқ Василий билан бироз вақтдан бери оралари бузуқ эди. Шуни ўйлаб деди:

– Василийми? У сизни ҳаммадан кўра кўпроқ лаънатлаяпти.

– Яхши, яхши. Хўш, у нима деди?

– Э, гапиргани одамнинг юраги бетламайди. Илоё, ўзингга тавба қилдим... Василий айдики, у имонсизнинг ажали етиб турибди, яқинда тўнғиз қавмида кетади, деди.

– Баракалла, – деди гўё хурсанд бўлиб гумашта. – Хўш, ажалим етган бўлса, у шоввоз нега мени ўлдирмай қараб турибди экан-а? Қўли калталик қилаяптимикан? Ҳай, майли Васька, ҳали сен билан орани очиқ қилиб оламиз. Хўш, халиги бору, Тишка кўппак, уям бир бало дегандир?

– Э, бир у эмас, ҳамма ёмонлаяпти сизни.

– Нима дейди, беркитмай айтавер.

– Э, қўйинг-е, одамнинг тили бормайди айтгани.

– Тилинг бормаса ҳам айтавер. Қўрқма, сенга тегмайман.

– Мужиклар, илоё унинг қорни ёрилсин, ичак-чавоғи оқиб тушсин, деди.

Михаил хурсанд бўлган кимсадек ҳаҳолаб кўрди.

– Кўрамиз ҳали, кимнинг ичак-чавоғи оқиб тушаркан, кўрамиз! Хўш, бу анови Тишкадан чиққан гап бўлса, керак-а?

– Битта Тишка эмас. Кимни кўрсанг – қарғайди, кимнинг олдига борсанг – сизга ўлим тилайди.

– А, Петрушка Михеевчи? У нима деди? Менимча, у нажасга тиқилгур ҳам мени тобутдан олиб, тобутга солгандир-а?

– Йўқ, Пётр сизни бир оғиз сўкмади.

– Йўғ-е? Ростданми?

– Худо урсин рост. Ҳамма мужик бир тараф, унинг ўзи бир тараф. Бир оғиз гапирмади. Калласи ишлайди-да. Аммо унинг бир ишини кўриб ёқамни ушладим, Михаил Семёнович!

– Нима қилибди?

– Э, сўраманг! Даладаги қимирлаган жон борки, ҳамма ҳайрон.

– Хўв, гапирсанг-чи, одамни қон қилмай! Нима каромат кўрсатди у Петрушанг?

– Ростдан ҳам каромат. Секин унинг олдига бордим. Петрушка эл қатори ўз чекига тушган ерни ҳайдаётган экан. Қарасам, у минғиллаб қўшиқ айтаяпти. Овози ингичкароғу лекин бирам ёқимли, бирам ёқимли... Энг қизиғи шуки, омоч устида, дасталар бирлашган ерда нимадир милтираб ёнаяпти.

– Ростданми?

– Худо урсин, рост. Хуллас, аста-секин яқинлаб бордим. Қарасам, шам экан! Ҳа, ҳа, шу ўзимизнинг беш тийинлик арзон шам. Боя айтганимдай Петруша уни омоч дастасига қистириб қўйибди. Шамолдаям ўчмайди, пориллаб ёниб турибди. Пётрнинг ўзи янги кўйлак кийиб олибди, омочини суриб, пайғамбаримиз шаънига айтиладиган санони хиргойи қиле-еб кетаяпти. Омоч силкинади, у ёқ-бу ёққа чайқалади, уват бошида бурилади, бироқ шам қилт этмайди. Петруша менинг олдимда омочини кўтариб тозалади, тишини алмаштирди, яна омочни шудгорга солди – қани шамга бир нима – фароғат, одам боласига зийнат – яхши хулқ", деди. Кейин омочга энгашди, отини ҳайдаб, қўшиғини хиргойи қилиб, кетаверди. Шам эса, бояги-боягидай қилт этмай ёниб борарди.

Гумаштанинг авзойи ўзгарди. Гитарани бир четга қўйди. Калласини осилтириб, ўйланиб қолди.

Шу бўйи анча ўтирди. Хизматкор хотинни ҳам, оқсоқолни ҳам ҳайдаб юборди. Парда ортидаги кундалик ётоқ жойига кирдию чўзилиб ётиб олди. ҳадеб уҳ тортади, ингранади, тўлғанади. Ётган ери худди юк ортилган аравадай ғичирлайди.

Хотини кирди. Эрини гапга солмоқчи бўлди. Гумашта бир оғизгина сўз айтди холос:

– Мени мот қилди. Ҳа-а, куним битибди энди...

Хотини ёлворишга ўтди:

– Ҳозироқ отланиб далага бор. Мужикларга жавоб бер. Шунда ўзингга яхши бўлади... Тавба, қанақа қалтис ишларга кўр урмаган эдинг, кўрқмаган эдинг. Энди бўлса, сувга тушган мушукка ўхшаб қалтираб ўтиришингни қара-ю! Тур ўрнингдан! Тура қол, жон Мишутка...

– Ўлдим, хотин... У мени мот қилди, мот қилди ўша Петруша...

Хотин бобиллаб берди:

– Худоё, тавба қилдим! Бир сўздан бошқасига тилинг келмай қолдими? "Мот қилди! Мот қилди!" Ҳозироқ далага боргинда, бечораларнинг жавобини бер, шунда дардинг енгиллашади. Тур ўрнингдан, деяпман! Мен ҳозир айтаман, отингни эгарлашади.

Михаил Семёнович от миниб далага жўнади. Қишлоқдан ўтиб борар экан, гумаштани кўриб одамлар тиракайлаб қочишга тушди. Биров ўзини ҳовлига урган, биров бурчак-бурчакка беркинган, яна кимдир полизга яшириниб олган.

У қишлоқ кезиб, работга олиб чиқадиган дарвоза олдига келди. Дарвоза ёпиқ эди, отда туриб очолмади. Бир-икки товушлади, ҳеч ким чиқмади. Гумашта отдан тушиб дарвозани очди-да, тағин отга минмоқчи бўлди. Бир оёғини узангига солиб, энди эгарга ўтирамаи, деганди, қайдандир лоп этиб бир чўчқа чиқиб қолди. Уни кўриб, от ҳуркиб кетди. Гумаштанинг иккинчи оёғи осмонда муаллақ қолди. Остидан от чиқиб кетди. Гумашта жон ҳолатда эгарга интилган эди, юзтубан йиқилди ва тўппа-тўғри йўғон, учли ёғоч қозиққа бориб урилди. Қорни ёрилиб, қозиқнинг устига қапишиб қолди.

Кечқурун мужиклар даладан қайтишди. Работ дарвозаси очиқ эди, отларини ҳайдашса, ичкари кирмайди, ҳадеб ҳуркиб қочаверади. Нима бало бўлди экан, деб мужиклар ичкарига мўралашди. Қарашса, Михаил Семёнович чалқанча тушиб ётибди. Қулочи керилган, кўзлари очиқ, ичак-чавоғи чиққан, атроф лахта-лахта қон – ҳали ерга сингиб ҳам улгурмабди. Мужиклар қўрқиб кетишди. Отларини тиклантириб изларига қайтдилар. Ёлғиз Пётр Михеичгина ўзини йўқотмади. У отдан тушди, гумаштанинг ёнига борди, жон таслим қилганини кўриб, марҳумнинг кўзларини силаб, юмдириб қўйди. Кейин арава қўшди, ўғли икковлашиб гумаштанинг жасадини ортди-да, бойникига қараб ҳайдади.

Бу ишлардан хабар топган бой, азбаройи савоб юзасидан мужикларни даромад солиғидан озод қилиб юборди. Мужиклар ҳам бир нарсага имон келтирдилар: яратганнинг қудрати ёмонлик қилишда эмас, яхшиликда зуҳур бўлар экан.

Саъдулла СИЁЕВ таржимаси.

(Охири. Боши ўтган сонда).

МФойдали маслаҳатлар

Пиёзни тўғрашдан олдин пичоққа туз сепинг, шунда унинг ноҳуш ҳиди бўлмайди.

* * *

Агар тўғралган пиёз туз сепилган идишга солинса, яхши сақланади.

* * *

Пиёз тўғраётганда кўздан ёш оқмаслиги учун пичоқ учига юмшоқ қора нон бўлагини қўйинг.

* * *

Қовурилган пиёз новвотранг бўлиши ва қуйиб кетмаслиги учун қовуришдан олдин уни унга булаб олинг.

Қилмиш-қидирмиш

ТИҒ КЎТАРГАН ТУҒИШГАНЛАР

Андрей оилада учинчи фарзанд эди. Акаси Сергей, опаси Елена ва укаси Олеглар билан болаликнинг шўхшодон кунларини бирга ўтказишган. Бироқ, кейинги вақтларда онаси Рая мунтазам спиртли ичимлик ичиб, болаларнинг тарбияси билан қизиқмай қўйди, ҳаттоки, баъзида уларни уйидан ҳам қувиб солардики, оқибатда болалар ҳаёти издан чиқди.

Андрей 27 ёшида оғир жиноятга қўл урди ва Тошкент шаҳрининг жиноят ишлари бўйича суди томонидан унга узоқ муддатли жазо тайинланди. Муддатни ўтаб чиққан Андрей Қодиров пойтахтда онаси билан яшай бошлади. У ўзига тегишли хулоса чиқариб олмай, бирор фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан онасининг нафақа пули ҳисобига кун кечирарди.

2005 йилнинг ёзида кичик ўғил Олегнинг таклифи билан улар Чирчиқ шаҳрига келиб, у билан бирга яшай бошлашди. Бу ерда Андрей аввал онасининг нафақа пули ва укасининг топганига қараб кунларни ўтказди, кейин якка тартибда одамларнинг талабига қараб қурилиш-таъмирлаш ишлари билан шуғуллана бошлади. У укаси билан тез-тез жанжаллашиб, уришиб турарди.

Шу йил 2 февраль куни Олег Қодиров эрталаб деворда осилиб турган гиламни сотиш мақсадида эканлигини айтганида, онаси унга қаршилик қилади. Сўнгра Олег уйидан чиқиб кетиб, спиртли ичимлик ичиб, туш пайтида кайф ҳолатда кириб келиб онасидан пул талаб қилади, бўлмаса гиламни сотишини айтади. Бунгача эса, онаси гиламни қўшни хонага бекитиб қўйган эди. Онасига дўқ уриб, қурилиш асбоб-ускуналарини сотиб, спиртли ичимлик оламан, деди. Унинг қилиқларидан чарчаган онаси қўшни хонага кириб, эшикни беркитиб олади. У акасининг хонасига киради. Бу вақтда Андрей шовқин-сурондан уйғонган эди. Ўртада тўс-тўполон кўтарилиб, бир-бировини ура кетдилар. Шунда Олег ошхонадан пичоқ олиб, у томон келаётганида ўта хавфли рецидивист А. Қодиров ўз укасига қарши болта кўтарди. Натижада, Олег Қодиров олган тан жароҳатлари туфайли воқеа жойида ҳаётдан кўз юмди.

А. Қодиров қилиб қўйган ишининг изларини яшириш мақсадида ҳовлининг бурчагидан чуқур қазиди. Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимига бориб, бор гапни айтишга эса, юраги дов бермади. Бу ҳақда унга онаси бир неча бор айтди, бироқ у қулоқ солмади.

Орадан икки кун ўтгач, Рая Қодирова бўлган воқеаҳодисаларни Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимига қўнғироқ қилиб, айтиб берди.

2006 йилнинг май ойида вилоят жиноят ишлари бўйича суди ўз жигарбанди, таъбир жоиз бўлса, бир қоринданталашиб тушган укасининг қотилига айланган Андрей Қодировнинг жиноий ишини атрофлича кўриб чиқди. Ўта оғир жиноят содир этганликда айбдор деб топилган хавфли рецидивистга 17 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Шерали АНВАРОВ, вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта инспектори.

Шундан кейин

БИР ЙЎЛА ҚИРҚ УЧ ТАКДИМОТ

Индинга иш бошлайдиган Tokyo Game Show ўйинлар кўргазмасида оз

эмас-кўп эмас 573 ўйин намойиш этилиши режалаштирилган.

24 сентябргача — уч кун давом этадиган бу тадбир мобайнида янги авлод консолларига мўлжалланган 43 ўйин такдимоти ҳам бўлиб ўтади. Кўргазма жаҳоннинг мазкур йўналишдаги энг йирик тадбирларидан бири бўлиб, 1996 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда.

ЮЗ ЙИГИРМАТАСИ БЕДАРАК

Италияда мавсумий иш излаб келган бир юз йигирмадан ортиқ поляк ишчилари бедарак йўқолгани хабар қилинмоқда.

Йўқолганларнинг аксарияти ҳар йилги мавсумда 7 мингдан ортиқ гастарбайтер ишлатиладиган Фожи шаҳри яқинидаги помидор далаларида меҳнат қилаётганди. Бу далалар аслида мафиоз гуруҳларга тегишли эканлиги ҳам маълум.

Тошкент вилояти Ногиронлар жамиятига (ОКПО 17298742) шаҳар статистика бошқармаси томонидан 2003 йил 30 июнда берилган 035302 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Ногиронлар жамияти томонидан Носиров Отабек Носирович номига берилган гувоҳнома **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Об-ҳаво

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 20 сентябрь куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси Паркент туманидаги 2-мактаб директори Ниғмат Эшоновга укаси

Бозорхўжа ЭШОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1140. Адади 3618. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.50. 1 2 3 4 5